



МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgt, uzss@yandex.ru • 2021 йил 5 март • №9 (1341)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда хотин-қизларни эъзозлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш, ўзининг иқтидори ва ибратли фаолияти билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган, турли соҳа ва тармоқларда қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқараётган, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда чуқур билим ва интеллектуал салоҳиятини намоён этиб, ўз гоё ва ташаббусларини илгари сураётган, ижтимоий ҳаётда фаоллик кўрсатаётган қизларни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини аъло ҳулки, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, санъат, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари ило-вадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказиладиган байрам тантаналарида совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар рўйхати билан 3-саҳифада танишасиз

□ Аёл ҳақида сўз

Миллатнинг улуглиги — онанинг улуглиги билан белгиланади. Онага бўлган эҳтиром — миллатга бўлган эҳтиром. Миллат қомиллиги — она қомиллиги билан ўлчанади.

Она аслида ўз улуглик кўламининг кенг чегарасизлиги, меҳр оламининг беқиёслиги ва ҳадсизлиги билан сайёрага ўхшайди.



Меҳринг ҳам беқиёс, муҳаббатинг ҳам

Баъзида нозиксан, қизгалдоқдан ҳам,
Кўнгуллар мулкида яйраган тимсол.
Меҳринг ҳам беқиёс, муҳаббатинг ҳам,
Сенсиз бу дунё – дунёми, аёл?



Мўътабар аёлсан, қордек оқ кўнгулинг,
Бугуним, эртасан ва ширин хаёл.
Меҳрибон онамсан, дардкашим, синглим,
Ким бўлма, суюксан, буюксан – аёл!

БУ КҮН ГЎЗАЛЛИКНИНГ ҚУТЛУГ АЙЁМИ

Аёл зотини кўкларга кўтариб, шеър битмаган шоир, таърифу тавсиф бермаган ёзувчи, кўшиқ куйламаган хонанда бўлмаса керак. Чиндан ҳам аёллар борки, ҳаётимиз гўзал, уйимиз саранжом-саришта, дастурхонимиз файзли. Аёл борки, олам мунаввар. Муқаддас Ҳадису шарифларда ҳам «Жаннат оналар оёғи остидадир», деб ёзилгани бежиз эмас. Биз аёлларимизни қанча эъзозлаб, бошимизга кўтарсак шунчалар оз. Бундай ҳурматга лойиқ аёллар орасида республикаимизнинг тиббиёт муассасаларида беморлар дардига шифо бағишлаб, меҳнат қилаётганлар жуда кўп. Оила аталмиш кўргоннинг тотувелиги, фарзандлар тарбияси-ю, соғлом муҳитнинг барқарорлиги, албатта, аёлнинг метин иродаси ва ақлу заковатига боғлиқ. Аёл бугун она, уй бекаси, раҳбар, моҳир ташкилотчи ва ташаббускор ходима. Зеро, аёлни эъзозлаш, қадрлаш ва унга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос азалий одатдир.

Азиз оналаримиз, мунис опа-сингилларимизнинг халқимиз саломатлиги йўлида олиб бораётган машаққатли меҳнатлари ҳурмат-эътиборимизда экан, уларнинг масъулиятли, аммо шарафли ишлари доимо давлатимиз гамхўрлигида бўлиб келмоқда. Дарҳақиқат, улар меҳнатини доимо эъзозламоғимиз, қадрига етмоғимиз керак.

Шу фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча хотин-қизларимизни баҳор ҳамда 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан муборакбод этамиз. Ушбу қутлуг кунда аёлларимизга баҳорий кайфият ҳамиша ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ҲАР ТОМОНЛАМА КЎМАКЛАШИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 26 февраль куни хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.



Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярми — 17 миллиони хотин-қизлардир. Уларнинг манфаатларини таъминлаш, жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналиши.

Охириги тўрт йилда бу борада 2 та қонун, Президентнинг 6 та фармон ва қарори қабул қилинди. Биринчи марта Сенатда Хотин-қизлар ва гендер тенглиги масалалари бўйича кўми та ташкил этилди. Бугунги кунда 1 минг 400 га яқин аёллар республика ва вилоятлар, 43 мингдан зиёди туман ва шаҳарлар даражасидаги раҳбарлик лавозимларида ишлаб келмоқда.

Қизларнинг сифатли таълим олиши, касб эгаллаб, ишли бўлиши учун катта имкониятлар яратилган. Талабаларнинг 48 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Ўтган йили йўлга қўйилган тизимга мувофиқ, 950 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож қиз олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди.

Аёлларнинг тадбиркорлиги, ташаббуслари қўллаб-қувватланаяпти. Ўтган йили 585 мингга яқин хотин-қизларнинг бандлиги таъминланган, 36 мингдан ортиқ аёллар касб-ҳунарга ўқитилган. Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва манзилли ҳал этиш мақсадида "аёллар дафтари" жорий этилди. Ушбу дафтарга, 9 та мезон асосида 433

минг нафар хотин-қиз киритилиб, электрон база шакллантирилди. Бугунги кунга уларнинг 80 мингининг муаммолари ҳал этилган. Йиғилишда аёлларни иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга тиббий ва психологик ёрдам қамровини кенгайтириш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

— *Энг оғир, мураккаб масалаларимиз аёллар бўйича. Халқимизнинг талаби ўсиб бораёпти. Биз шу талабларга муносиб шароит яратиб беришимиз керак. Буни чуқур ҳис қилмаган одам раҳбар бўлиб ишолмайди, — деди Шавкат Мирзиёев.*

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида Республика Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши ташкил этиш таклифини билдирган эди.

Шу кунларда Сенат раиси Танзила Нарбаева бошчилигида ушбу кенгаш тузилди. Энди мазкур жамоатчилик кенгаши хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, билим ва касбий кўникмалар эгаллаб, муносиб иш топишларига кўмаклашиш, саломатлигини сақлаш, уй-жой масалаларини ҳал этиш борасида тизимли иш олиб бориши зарурлиги таъкидланди. Ҳокимлар ва сектор раҳбарларига "аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилиш, тикувчилик, хунарамандчилик, касаначилик, паррандачилик ва экин

майдонларидан ер ажратиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатасига тадбиркор бўлиш истagini билдирган "аёллар дафтари"даги 70 мингга яқин хотин-қизларни бизнес ва меҳнат бозорида талаб қочори бўлган касбларга ўқитиш вазифаси топширилди.

Давлатимиз раҳбари бу борада нодавлат ташкилотлар хотин-қизларга энг яқин кўмакчи бўлиб келаётганини, бундай муассасаларга жой ажратиш, грантлар бериш кераклигини таъкидлади. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасаруфига ўтаётган ҳар бир тумандаги коллежларнинг бўш турган қисмини ўқув хонаси ва ишлаб чиқариш цехи ташкил этиш учун тадбиркорларга 30 йилгача муддатга имтиёзли ижарага бериш вазифаси қўйилди. Бунга Бандлик жамғармасидан 70 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Шунингдек, 70 мингга яқин хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш учун Халқ банки орқали 2 триллион сўм кредитлар йўналтирилади.

— *Олий маълумотли бўлишни устаган, қобилияти, билими бор, лекин тақдир тақозоси билан орзусига эриша олмаган хотин-қизларни рағбатлантириш тизими жорий қилинади. Яъни, ота-онасининг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларнинг шартнома тўлови ҳокимлик ва олий ўқув юрти ҳисобидан қоплаб берилади. Бу янги тизим. Илгари бундай қилолмасдик. Энди имконият бор, — деди Президент.*

Йиғилишда аёллар саломатлигини сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Жойларда, айниқса, чекка ҳудудларда тиббий хизматлар сифати талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Мисол учун, Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида туғиш ёшидаги аёлларнинг 30 фоизидан камқонлик аниқланган. Бундан ташқари, хотин-қизлар ўртасида на-



фас олиш, ҳазм қилиш аъзолари, юрак-қон томир тизими касалликлари ҳам кўп.

Шу каби, тиббий ёрдамга муҳтожлиги аниқланган 44 минг нафар хотин-қизларни алоҳида назоратга олиб, тиббиёт бригадаларига бириктириш, тор доирадаги шифокорларни жалб қилган ҳолда, уларни даволаш бўйича топшириқлар берилди.

Жорий йил якунига қадар қарийб 9 миллион аёлни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан, жумладан, саратон скринингидан ўтказиш вазифаси қўйилди. Онкологик касалликларни профилактика қилиш мақсадида 323 минг нафар қизлар одам пилломаси вирусига қарши эмланиши айтилди. Эҳтиёжманд аёлларнинг даволаниши учун ҳар йили Хотин-қизлар жамғармасига қўшимча 30-50 миллиард сўм ажратилиши белгиланди. Хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенгайтириш, жисмоний тарбия ва рақс тўғрисидаги кўпайтириш зарурлиги қайд этилди. Аёлларнинг мамлакатимиз бўйлаб саёҳатларини, санаторийларда даволанишини ташкиллаштириш юзасидан кўрсатма берилди.

Ёлғиз аёлларнинг фарзандларини мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш ва тўловларини қоплаш борасида ҳам енгилликлар берилдиган бўлди. Муаммолар муҳокама қилинар экан, уй-жой масаласи албатта ўртага чиқади. Чунки оилавий ажралишлар, ишсизлик, етишмовчилик оқибатида уйга муҳтож бўлиб яшаётган аёллар ҳали

ҳам кўп. Давлатимиз раҳбари бундан чуқур ҳис қилади ва доим уларга муносиб шароит яратишни назарда тутди. Сўнгги йилларда минглаб муҳтож аёлларга янги турар жойлар топширилди. Қолаверса, кам таъминланган хотин-қизлар уй олиши учун бошланғич бадал пулини тўлаб бериш тизими жорий этилган.

Видеоселектор йиғилишида бу долзарб масала бўйича қўшимча чоралар белгиланди. Вақтинча нотурар жойларда истиқомат қилаётган аёлларни уй билан таъминлаш учун ҳар бир ҳудудга 10 миллиард сўмдан, отасидан айрилган муҳтож қизлар манфаати учун 5 миллиард сўмдан маблағ ажратилиши айтилди. Бу маблағлар уй-жойнинг бошланғич тўловини тўлаб беришга йўналтирилади. Шунингдек, хотин-қизларга турар жой ижараси компенсацияси учун 11 миллиард сўм ажратилади. Аёлларга, шу жумладан, тазйиққа учраганларга малакали психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизimini такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди. Хотин-қизларнинг давлат ва жамият олдидаги фидокорона хизматлари, ўз соҳаларида эришган ютуқларини рағбатлантириш учун алоҳида давлат мукофотини таъсис этиш таклифи илгари сурилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди раҳбарлар ва хотин-қизлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

ЎЗА.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

Каримбоева Шахзода Камолатдин кизи – Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Оразбаева Гулсанем Жалғасбай кизи – Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси

Комилова Меҳриноз Ойбекжон кизи – Андижон давлат тиббиёт институтининг 2-босқич магистранти

Раджиева Гулҳаёхон Шухратжон кизи – Андижон давлат университетининг 3-босқич талабаси

Салимова Амира Суннатжон кизи – Бухоро вилояти Когон шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Умарқулова Динора Шерали кизи – Бухоро давлат университетининг 4-босқич талабаси

Имомова Дилдора Шухрат кизи – Жиззах политехника институтининг 4-босқич талабаси

Мамарасулова Муқаддас Абдулқосим кизи – Жиззах давлат педагогика институтининг 2-босқич талабаси

Аҳмадова Ситорабону Зоҳиджон кизи – Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалининг 4-босқич талабаси (Қашқадарё вилояти)

Бердиева Ирода Худайшукуровна – Ўзбекистон Миллий университетининг 2-босқич магистранти (Қашқадарё вилояти)

Ибодуллоева Нафиса Муҳитдиновна – Навоий давлат педагогика институтининг таянч докторанти

Шомуротова Нодирабегим Одиловна – Навоий вилояти Навоий шаҳридаги ихтисослаштирилган маданият мактабининг 10-синф ўқувчиси

Абдуллаева Манзура Насибилло кизи – Наманган давлат университетининг 2-босқич магистранти

Хушназарова Айшахон Адҳамжон кизи – Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг 3-босқич талабаси (Наманган вилояти)

Давоми. Боши 1-бетда

Хайруллаева Феруза Нурмат кизи – «Республика Ёш ижодкорлар кенгаши» нодавлат нотижорат ташкилоти матбуот котиби (Самарқанд вилояти)

Шомуродова Моҳинисо Шавкат кизи – Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2-босқич талабаси (Самарқанд вилояти)

Суннатова Мадина Ғофуржон кизи – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг 2-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

Ҳожибобоева Сарвиноз Ҳабибжон кизи – Гулистон давлат университетининг 3-босқич талабаси

Комилжоновна Нилуфар Шухрат кизи – Термиз давлат университетининг 3-босқич талабаси

Омонова Умида Шухрат кизи – Ўзбекистон шахмат федерациясининг Халқаро шахмат академияси спортчи-ўқувчиси (Сурхондарё вилояти)

Дехқонова Мадинабону Дилшод кизи – Ўзбекистон давлат консерваториясининг 2-босқич талабаси (Тошкент вилояти)

Назарова Зилола Эргашбой кизи – Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги «Баркамол авлод» болалар мактаби тўғарак раҳбари

Йўлдошева Фарзона Бахтиёр кизи – Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги ихтисослаштирилган санъат мактабининг 10-синф ўқувчиси

Турсунова Дилнозахон Исроилжон кизи – Фарғона политехника институтининг 4-босқич талабаси

Жумабоева Шахзода Неъматжон кизи – Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 10-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчиси

Каримова Мадина Жуманазаровна – Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Ким Юлия Олеговна – Республика олий спорт маҳорати мактабининг фигурали учиш бўйича мураббийи (Тошкент шаҳри)

Рахимова Сайёра Яшин кизи – Тошкент ахборот технологиялари университетининг 4-босқич талабаси (Тошкент шаҳри)

ЎЗБЕКИСТОНДА САРАТОВ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ЯНГИ ФАКУЛЬТЕТИ ОЧИЛАДИ

Самарқанд давлат тиббиёт институтига Саратов давлат тиббиёт университетида делегация ташриф буюрди. Учрашув давомида икки тиббиёт олий ўқув юртлиари ўртасида меморандум имзоланди.

SAMARQAND
DAVLAT
TIBBIYOT
INSTITUTI



Бугунги кунда тиббиёт соҳасининг етук ва малакали вакилларига эҳтиёж катталиги сир эмас. Шу мақсадда, Самарқанд давлат тиббиёт институти Саратов давлат тиббиёт университети билан анчадан буён ҳамкорликда 100 дан ортиқ вебинарлар, конференциялар



ҳамда кўплаб маҳорат дарслари ташкил қилиб келаётган эди.

Ушбу ҳамкорлик натижаси ўлароқ 2 март куни Самарқанд давлат тиббиёт институти ректори Жасур Ризаев ҳамда Саратов давлат тиббиёт университети ректори Андрей Еремин ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида меморандум имзолашди.

Самарқанд давлат тиббиёт институти Ахборот хизмати.



□ Меҳр-4 операцияси

АФҒОНИСТОНДАН 24 НАФАР ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҚАЙТАРИЛДИ

"Меҳр-4" операцияси доирасида халқаро террорчилик ташкилоти сафларига қўшилиб, Афғонистонда яшаб келган 24 нафар Ўзбекистон фуқаролари олиб келинди. Уларнинг 19 нафари болалардир.

Яқинда Афғонистон ва Покистон Ислом Республикаси ҳудудларида ташкил этилган халқаро террорчилик ташкилоти сафларига бориб қўшилиб, кейинчалик Афғонистон Ислом Республикасининг ҳудудига ўтган, шунингдек, ушбу ҳудудда яшган шахсларнинг бир гуруҳи «Меҳр операцияси-4» доирасида юрти-мизга олиб келинди. Афғонистоннинг ҳамкор ташкилотлари қўмағида олиб келинган 24 нафар ана шундай шахслар Сурхондарё вилоятининг Термиз тумани ҳудудида жойлашган «Айритом» чегара пости орқали кутиб олинди ва тиббий кўриқдан ўтказилиб, вилоят ҳокимияти, Давлат хавфсизлик хизма-



ти вилоят бошқармаси, вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари иштирокида Термиз туманидаги «Даволаш ва соғломлаштириш» маркази биносига жойлаштирилди.

Мазкур «Даволаш ва соғломлаштириш» маркази барча шарт шaroитларга эга бўлиб, шай ҳолга келтирилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган сиз
гўзал аёлларимизни баҳор байрами

8 МАРТ — Халқаро
хотин-қизлар куни билан
самимий
муборакбод этамиз!

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хо-
тиржамлик ҳамда касбий маҳоратингизда
улкан зафарлар тилаймиз.

АҲОЛИНИНГ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ Қўллаб-қувватлаш ВА ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ

Азиз ва муҳтарам аёлларимиз, она-
хонларимиз, она-сингилларимизни
баҳорнинг илк байрами, 8 март –
Халқаро хотин-қизлар куни билан чин
қалбдан муборакбод этамиз.

Барчангизга узоқ умр, сиҳат-сало-
матлик, хонадонингизга тинчлик-осой-
ишталик, дастурхонингизга қут-ба-
рака, ўзингизга эса оддий АЁЛЛИК
БАХТИни тилаб қоламиз! Илоҳим ҳар
бир кунингиз байрам, ҳар бир онингиз
баҳор бўлсин! Доимо баҳор гулларидай
чиройли, нафис, гўзал ва бетакрор бў-
лишингиз тилакдошимиз!

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ



Юртимизнинг мунис
аёлларини 8 март –
Халқаро хотин-қизлар куни
билан самимий муборакбод
этамиз.

Уларни гўзаллик, нафосат
ва шодлик ҳеч қачон тарк
этмаслигини тилаймиз.

*Байрамингиз муборак
бўлсин!*

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

*Мамлакатимиз тиббиёт
ходимларини 8 март –
Баҳор ва янгиланиш айёми
билан муборакбод этади.
Масъулиятли ва шарафли
ишларингизда омад ҳамда
кўтаринки кайфият
хамроҳингиз бўлсин!*



АЁЛ БЎЛСА, МИЛЛАТ ЯШАЙДИ

Мустақиллик даври нафақат Ва-
танга, инсонга бўлган муносабат-
ларни балки биринчи галда онага,
онажонларимизга бўлган меҳр-муҳа-
ббатимизни, самимий муносабати-
мизни, батомом ўзгартириб юбор-
ди. Мустақиллик туфайли ўзбек она-
лари юсак қадр топди, десак мубо-
лага бўлмайди. Оналар жамиятининг

ижтимоий кучига айланди. Мухта-
рам Президентимиз ибораси билан
айтганда: "Оналарнинг обрў-эътибо-
рини жиддий равишда ошириш, улар-
нинг меҳнатини, жисмоний соғлом,
маънавий бой ҳамда ахлоқан пок ёш
авлодни тарбиялашдаги хизмати-
ни муносиб баҳолашимиз керак. Она
тўғрисида, унинг фарзанди тўғриси-

да ғамхўрлик қилиш давлати-
мизнинг муқаддас бурчидир."

Бизда катта байрамлар,
йирик тантаналар "Бахти-
ёр она" ҳайкали пойига гул-
дасталар қўйиш, онани зи-
ёрат қилиш билан бошлана-
ди. Бу зиёратда ҳикмат бор...
Гуё онанинг пок дуоси бор...



✓Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун



Тошкент вилояти

ФАОЛИЯТЛАР БАРДАВОМЛИГИДА ИНСОНЛАР САЛОМАТЛИГИ МУЖАССАМ!

Наманган вилоятида бошланган Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ташкиллаштирилган “Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!” шиори остидаги саломатлик акцияси ўтган ҳафтадан бошлаб Сурхондарё ва Тошкент вилоятида давом этмоқда.



Акция доирасида малакали тиббиёт ходимлари, жумладан, вазирлик таркибий тузилмалари раҳбарлари, пойтахтдаги тиббиёт олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг раҳбарлари икки вилоятга ҳам сафарбар қилинди.

Бугун пойтахтдаги тиббиёт муассасаларидан ва тиббиёт олий ўқув юр்தларининг раҳбарлари ҳамда мутахассислари Тошкент вилоятига йўл олди. Акция давомидаги тадбирлар маҳаллабай

кесимда ўтказилиб, “темир дафтар”га киритилган фуқаролар пойтахтлик шифокорлар томонидан ўз уйларида кўриқдан ўтказилади, керакли даво чораларини олади ҳамда зарур ҳолларда тиббиёт муассасаларига етказилиб, уларда юқори технологияли жарроҳлик амалиётлари амалга оширилади. Ногиронлиги бўлган ва бошқа муҳтож шахслар протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминланади. Акция давомида бир қанча жарроҳлик амалиётлари ўтказилиши режалаштирилган. Хусусан,

буйрак трансплантацияси, эндопротезлаш, юракка стент ўрнатиш каби энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари тиббий кўрсатмага қараб, вилоят ёки пойтахтимиздаги энг нуфузли муассасаларда бепул амалга оширилиши мўлжалланган.

Тошкент вилоятининг 2,9 миллион нафар аҳолисига 245 та даволаш-профилактика ва ёрдамчи муассасалар томонидан тиббий хизмат кўрсатилади. Вилоятда 2019 йилга нисбатан 2020 йилда



нафас аъзолари касалликлари 37 фоизга, овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари 12 фоизга, қон ва қон яратиш аъзолари касалликлари 8 фоизга, суяк-бўғим касалликлари 6 фоизга, эндокрин тизими касалликлари 4,8 фоизга камайган бўлишига қара-



остидаги акция доирасида Тошкент вилоятига йўл олган мутахассислар орасида инфекционист, эпидемиолог, терапевт, невропатолог, анестезиолог, болалар анестезиолог, реаниматолог, педиатр, онколог, дерматолог, оториноларинголог, акушер-гинеколог, уролог, хирург, офтальмолог, кардиолог, эндокардиолог, травматолог, фтизиатр, пульмонолог, нейрохирург, нарколог, нефролог, аллерголог, гематолог каби ўз соҳасининг усталари бор. Таъкидлаш жоизки, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида давом этаётган саломатлик акциясида 250 нафардан ортқ марказдан борган, 1000 нафардан зиёд маҳаллий шифокорлар иштирок этмоқда.

БУ АЛБАТТА, ЭЗГУЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИДИР

Аввал хабар берганимиздек, Наманган шаҳридаги “Бунёдкор” маҳалласида аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг сифатли ва малакали тиббий хизматдан баҳраманд бўлишлари учун барча шароит ва қулайликлар яратилмоқда. 22 февралдан буён бу ерда вилоят даволаш-профилактика муассасалари ҳамда ихтисослашган марказларнинг малакали мутахассислари, шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси тор доирадаги шифокорлари фаол иш олиб боришмоқда.



“Офтольмобил” поликлиникаси, УЗИ, ЭКГ аппаратлари, клиник-биохимик лаборатория таҳлиллари ҳам шу ернинг ўзига муҳайё этилган.

Бугун якшанба, яъни дам олиш куни бўлишига қарамай ҳудуддаги 6-оила поликлиникасининг “Бўстон” филиалида иш қизгин. Шифокор-ҳамширалар ҳордиқ қундуран унумли фойдаланишиб, ишда, ўқишда ва бошқа тур-

ли юмушлар билан тиббий кўриққа келолмаган фуқароларни, “Темир дафтар”даги, “Аёллар дафтари” ва “Ешлар” дафтаридаги инсонлар, қайта тиббий хатлов жараёнида аниқланган сурункали хасталиги бор фуқароларни, репродуктив ёшдаги аёллар ҳамда болаларни тиббий кўриққа чорладилар.

“Темир дафтар”даги Зулхумор Холиқованинг йиқилган-

дан кейинги жарроҳлик амалиётидан сўнг қолиб кетган асорати эса мураккаб операцияни талаб этарди. Малакали шифокорлар аёлни чуқур тиббий текширувлардан филиалнинг ўзида ўтказишди. Энди уни дарддан фориқлантириш учун қайта жарроҳлик амалиёти бажариладиган бўлди. Аҳоли вакиллари вилоят эндокринология диспансери бош врач, тиббиёт фанлари доктори Муҳаммадjon Ваққосовнинг хизматидан беҳад мамнун бўлишди. Олим шифокорнинг ўзи маҳалла фуқароларини кўриқдан ўтказиб, керакли ва маслаҳатларини берапти.

— Турмуш ўртоғим ва уч нафар фарзандим билан кўриққа келгандик, — дейди Мўтабар Раҳимова. — Қизим Мадинахондаги оғир хасталикни олим-шифокор аниқлаб, уни даволаш чораларини белгилаб, керакли дори-дармонларни ёзиб бердилар.

— “Бунёдкор” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 27 нафар “Темир дафтар” рўйхатидаги аёлларнинг барчаси тиббий кўриқдан ўтказилди. Уларнинг 16 нафарига амбулатор-стационар даволаниши учун керакли муолажалар ёзиб берилди. 1 нафари шаҳар шифохонасига ётқизилди. 1 нафарининг турмуш ўртоғи даволаниш учун шифохонага



юборилган бўлса, яна бир нафарининг фарзандини ногиронлик муддати узайтирилди, — дейди шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош врач ўринбосари Мушаррафхон Собирова.

“Бўстон” филиалида нафақат аҳолининг соғлиқларини текширувдан ўтказиляпти, балки соғлом овқатланиш рақибони учун керакли маҳсулот-

ларнинг кўргазмаси ҳам ташкил қилинган. Саломатлик оиладан бошланар экан, унга кўпроқ оналар масъуллик сезади. Шунинг учун ҳам уй бекалария, хотин-қизларга озиқ-овқатлар таркибида қандай маҳсулотлар энг зарурлиги ва уларнинг меъёрлари билан ҳам таништириб, керакли маълумотлар бериб бориляпти.

Жисмоний фаоллик, соғлом овқатланиш тамойиллари, жамоат ва шахсий гигиенанинг аҳамияти ва аҳоли тиббий маданиятини юксалтириш, юқумсиз касалликларнинг олдини олиш ва барвақт аниқлаш чора-тадбирларини ўз ичига олган “Соғлом ҳаёт учун — 5000 қадам” шиори остидаги кенг қамровли соғломлаштириш жараёнлари ҳам бунёдкорликлар саломатлигини мустаҳкамлаш учун муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Манзура ЭРГАШЕВА

2020/2021 ўқув йилида Тошкент фармацевтика институтини битирувчилари тўғрисида
МАЪЛУМОТ

№	Таълим ўналишлари (мутахассисликлари)		Битирувчилар сони	шу жумладан, аёллар	шу жумладан				Худудлар бўйича битирувчилар сони																													
	шифри	номи			грант	шу жумладан,аёллар	контракт	шу жумладан,аёллар	Қорақалпоғистон Республикаси	шу жумладан,аёллар	Андижон вилояти	шу жумладан,аёллар	Бухоро вилояти	шу жумладан,аёллар	Жиззах вилояти	шу жумладан,аёллар	Навоий вилояти	шу жумладан,аёллар	Наманган вилояти	шу жумладан,аёллар	Самарқанд вилояти	шу жумладан,аёллар	Сурхондарё вилояти	шу жумладан,аёллар	Сирдарё вилояти	шу жумладан,аёллар	Тошкент вилояти	шу жумладан,аёллар	Фарғона вилояти	шу жумладан,аёллар	Хоразм вилояти	шу жумладан,аёллар	Қашқадарё вилояти	Кашкадарё вилояти	шу жумладан,аёллар	Тошкент шаҳар	шу жумладан,аёллар	Бошқа давлат
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	
Тошкент фармацевтика институти бўйича жами:			615	292	70	32	543	260	25	20	23	6	47	19	11	3	13	6	21	6	79	17	27	12	10	4	49	24	49	10	22	12	40	14	194	136	5	
Бакалаврият:			536	233	52	21	482	212	23	18	21	5	43	17	10	2	13	6	20	6	71	12	24	10	9	4	43	18	45	7	21	12	40	14	148	99	5	
1	5510500	Фармация	258	118	20	7	236	111	12	8	15	2	26	11	4	2	4	2	10	4	30	9	13	4	7	3	21	10	21	1	12	7	11	5	69	48	3	
2	5111000	Касб таълим	34	16	5	3	29	13	3	2	0	0	0	0	1	0	1	0	2	1	3	0	2	2	0	0	3	1	1	0	3	1	2	1	12	7	1	
3	5510600	Саноат фармацевтсияси	180	70	18	5	162	65	8	8	3	1	14	6	2	0	6	3	4	0	33	0	4	3	2	1	10	4	16	4	4	2	21	6	53	32	0	
4	5320500	Биотехнология	36	18	5	3	31	15	0	0	2	1	1	0	2	0	2	1	3	1	1	1	4	0	0	0	5	3	1	0	1	1	2	1	11	9	1	
5	5300901	Метрология стандартлаштириш ва махсулот сифати менеджменти	28	11	4	3	24	8	0	0	1	1	2	0	1	0	0	0	1	0	4	2	1	1	0	0	4	0	6	2	1	1	4	1	3	3	0	
Магистратура:			79	59	18	11	61	48	2	2	2	1	4	2	1	1	0	0	1	0	8	5	3	2	1	0	6	6	4	3	1	0	0	0	46	37	0	
1	5A320406	Дори воситалар ва препаратлар технологияси	14	10	8	6	6	4	1	1	0	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	2	1	0	0	0	0	10	8	0	
2	5A510603	Дориларнинг саноат технологияси	21	15	2	0	19	15	0	0	1	0	0	0	0	0	0	0	1	0	3	2	0	0	1	0	1	1	0	0	0	0	0	0	14	12	0	
3	5A510602	Иммунобиологик ва микробиологик препаратлар	8	6	1	0	7	6	0	0	0	0	0	0	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	3	3	0	0	0	0	0	0	4	2	0	
4	5A510501	Фармацевтик қимё ва фармакогнозия	21	15	4	3	17	12	1	1	1	1	2	1	0	0	0	0	0	0	2	1	2	1	0	0	1	1	1	1	0	0	0	10	8	0		

ДОЛЗАРЪ МАСАЛА МУҲОКАМАСИ

Ҳозирги глобализация даврида мамлакатлар бир-бирлари билан ўзаро муносабатларини кенгайтириб бормоқда. Айниқса, сўнги йилларда Ўзбекистонда ҳам яхши қўшничилик, ҳаётини ҳамжамияти билан тенг ҳуқуқли муносабатлар ривожланимоқда.

Ушбу туб ислохотлар жамиятимиздаги барча жаҳла-ларни қамраб олмақда. Шу жумладан, тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими-да ҳам жиҳдий ўзгаришлар амалга оширилиб, илгор хо-рижий тажрибаларга алоҳи-да аҳамият қаратилмоқда. Бунинг натижасида нуфузли хорижий ташкилотлар бил-ан ҳамкорлик алоқалари кен-гаймоқда. Яқинда ўтказилган “Замонавий тиббий реабил-итация қилишнинг долзарб муаммолари” илмий-амалий конференция айнан шу маз-мундаги ишларнинг ёрқин далилидир. Конференция-да Ўзбекистон Республикаси ҳамда Россия Федерацияси мутахассислари реабилита-ция соҳасидаги масалаларни кўриб чиқишди. Онлайн ви-део-конференция кўриниши-да ташкил этилган тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимо-ий хизматлар агентлиги ди-ректори А. Инаков, Тошкент тиббиёт академияси ректори А. Шадманов, “Реабилитация технологиялари” бош ди-ректори А. Емельянов, “Орбита” НВП директори Т. Демичева ва яна бошқа бир қатор халқа-ро ҳамкорлар, юртимизнинг етакчи мутахассислари ишти-рок этишди. Конференцияни Агентлик директори А. Ина-ков очиб, айни мавзу бўғунги кун талаблари асосида тан-ланганлигини, билдириладиг-ан ўзаро фикр мулоҳазалар орқали тиббий реабилитация қилиш борасида мамлақати-миз ва халқаро миқёсда ўз ечимини кутаётган долзарб масалалар муҳокама қилини-шини айтиб ўтди. Россия ва Ўзбекистон муносабатларида тиббий-ижтимоий хизматлар соҳасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамият касб этмак-да. Жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ўзаро тажриба ал-машишни тақозо этаётгани-ни инobatга олсак, бугунги мулоқот ҳар икки томон учун фойдадан ҳоли бўлмади. Тадбир давомида бемор ва ногиронлиги бўлган шахслар

ни реабилитация қилиш, энг сўнгги рақамли компьютерлаштирилган тизимлардан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон реабилитация маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Шунингдек, малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда ўзаро тажриба алмашиш, замонавий ахборот технологиялари, инновацион ютуқлардан самарали фойдаланиш, биргаликда илмий-техник, методик лойиҳалар ишлаб чиқиш, уларни амалиётга татбиқ этиш, ўраётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича биргаликда амалий ҳамда самарали ишларни олиб бориш юзасидан турли фикрлар айтилди. Реабилитация жараёнида энг сўнгги русумдаги компьютерлардан, роботлаштирилган технологиялардан фойдаланиш борасида сўз юритилди. Йиғилишда эътироф этилганидек, шу каби ишларнинг самарали жиҳатларини белгилашда унинг ютуқли томонларини ўрганиб чиқиш, айни йўналишда юртимизда илмий тадқиқотлар қўламини янада кенгайтириш, тақомиллаштириш ҳамда бу жараёнга ҳалқаро



тажрибаларни қўллаш, хорижий ва республикамадагиди илмий тадқиқот институтлари олимларини, ёш тадқиқотчилар ва мутахассисларни кенг жалб этиш мақсада мувофиқдир. Ахир, соҳага замонавий технологияларни жорий этмасдан туриб, реабилитацияга муҳтож бўлган бемор ва ногиронлиги бўлган шахсларни қисқа муддатда даволаш, фаол ҳаёт кечиришга қайтариш қийин масаладир. Бемор ва ногиронлиги

бўлган шахсларни соғлигини қайта тиклаш, оиласига, аввало, ўз ўзига хизмат қилишига, меҳнат қилишига ёрдам бериш, жисмоний, ақлий етук инсон қилиб, актив ҳаётий позицияларга қайта тиклашга қаратилган ишларни тезкорлик билан бажариш бугунги куннинг энг долзарб вазифалари сирасига кириди. Реабилитация қанчалик эрта ва тез олиб борилса, бемор шунчалик тез ва яхшироқ қайта тикланади.

Тадбир сўнггида ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган ўзаро англашув меморандуми имзоланди ҳамда келажакда ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича тахсилфларни тайёрлаш, уларни амалиётга жорий қилиш механизмларини ишлаб чиқишга қелишиб олишди.

Тиббий-ижтимоий хизматлар
агентлиги Матбуот хизмати

Янги технология

“IT-MED” — СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ РАҚАМЛАШТИРИШГА МАСЪУЛ ТУЗИЛМАГА АЙЛАНТИРИЛДИ

Тиббиёт соҳасида рақамлаштириш жараёни энг муҳим йўналишлардан бири эканини даврнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бу борада миллий тиббиётимиз яхши натижаларга эга. Шундай бўлса-да, шиддатли тараққиёт, ахборот-коммуникация технологияларининг мислсиз ривожини бир жойда тўхтаб қолмасликка ундайди.

Шуларни назарда тутган ҳолда, шу йилнинг 23 февраль кунин Президентимизнинг “Соғлиқни сақлаш соҳасида рақамлаштириш ишларини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, соҳанинг кейинги истиқболлари аниқ белгилаб берилди.

Қарорга кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат унитар корхонаси негизига “IT-Med” масъулияти чекланган жамияти ташкил этиш белгиланди.

“IT-Med” МЧЖ зиммасига:

✓ соғлиқни сақлаш тизими ва ташкилотларидаги жараёнларни оптималлаштириш, раціоналлаштириш, стандартлаштириш ва автоматлаштириш;

✓ соғлиқни сақлаш соҳасида ахборот тизимларини ривожлантириш учун амалга оширилаётган ҳамда халқаро молия ташкилотлари ҳисобига молиялаштирилаётган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий параметрлари, концепциялари ҳамда бошқа лойиҳа ва лойиҳалар ҳужжатларини ишлаб чиқиш;


✓ тиббиёт ва фармацевтика соҳасида ахборот технологияси ва коммуникациялари сифати ва стандартларини жорий этиш;

“Электрон соғлиқни сақлаш” ахборот тизимлари ягона комплексини жорий этиш ва кузатиб бориш, шунингдек, уларнинг бошқа давлат органлари ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминлаш;

✓ соғлиқни сақлаш тизимида бизнес жараён ва IT-реинжининг ривожлантириш ва ушбу йўналишда халқаро тажрибани амалиётга татбиқ этиш каби вазифалар юқлатилди.

Кўйилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида инвесторлар, бизнес ҳамкорлар ва аутсорсинг хизматларини жалб қилиш ҳам ташкилотнинг ваколатига киритилди.

– “IT-Med”га ўзининг хўжалик ва молиявий масалаларини



мушарраф ҳал қилиш, ташкилот ва корхоналарга ахборотлаштириш ва замонавий технологияларни жалб этишдан тушадиган маблағларни ўзи тасарруф этиш ваколатлари берилди, – дейди Соғлиқни сақлаш вазирининг босари Абдулла Азизов. Шунингдек, ташкилотга соғлиқни сақлаш соҳасида ахборот

тизимлари ва маълумотлар базаларини яратиш ва ривожлантириш мақсадида малакали мутахассисларни, шу жумладан, чет эллик мутахассисларни маслаҳатчи сифатида тўғридан-тўғри шартномалар асосида жалб қилишга рухсат берилди.

www.ssv.uz

БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР...

Узоқ умр кўринг, юзга киринг, кўша қаринг!

Энг яхши тилакларимиз одатда шундай бўлади. Бирон табрикласак, унга эзгу ниятларимизни билдирмоқчи бўлсак, шу каломлардан фойдаланамиз.



Сабаби – ҳар ким узоқ ва бахтли ҳаёт кечиришни, фарзандлари камолини, хузурини кўришни истайди. Тўғри, бу борада тиббиётчиларнинг аниқ фикри, хулосаси бор. Соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, кўпроқ жисмоний ҳаракатда бўлиш умр давомийлигини узайтиради, дейишади улар. Лекин барибир узоқ умр кечириётган кишилардан бунинг сирини сўрашга, қандай яшасак умримиз узун бўлишини билишга қизиқамиз.

Булунгур туманида яшовчи 106 ёшли Улманой Тангирова ҳамда 105 ёшли

Рухсор Райимова хонадониде бўлиб, уларнинг умр йўли ҳақида эшитиб, фикрларини тинглаган, бундай савол беришга ўрин қолмади.

Улман момога худо фарзанд бермаган экан. Лекин шу хонадонга келиб, икки ўғил, тўрт қизга оналик қилган, уларга қалб кўрини, бутун борлигини бағишлаган.

– Мен ҳали бу хонадонга келин бўлиб тушмасамдан, унаштирилган пайтимда қайнотам вафот этганди, – дейди айни чоғда ўзи ҳам икки нафар келиннинг қайнонаси бўлса-да қайнонасига қараб ўтирган Орзигул Абдиева. – Ушанда қишлоқда-

ги айрим кишилар энди бу аёл ҳам уйдан кетсак керак ёки болалар уни бу уйга сиғдиришмайди, дейишганди. Аммо раҳматли турмуш ўртоғим “Сиз бизни тугмаган бўлсангиз ҳам онамизсиз”, деб кетгани кўймаганди. Кейин бу киши бошқа қайинларимни узатиб, уйлантирди, шу оиланинг каттаси бўлиб қолди. Ҳозир бир этак невар ва эваралари бор. Мен ҳам онамдек кўраман, бир-биримизга сўяниб қолганмиз.

– Ҳар доим Яратганга шукр, айтаман, – дейди Улмон момо. – Худога ёққан ҳислатим бўлса керакки, шунча умр берди. Невара, эвараларимнинг саногиде адашиб кетаман. Уларнинг ардоғиде яшайман. Яхши ният қилиш, пок яшаш керак экан. Тинчлик-хотиржамликдан айирмасин, илоҳим.

Туманнинг Бешкуви маҳалласида яшовчи Рухсор Райимованинг ҳам умр йўлари раво, бир текис кечмаган. Беш қиз ва бир ўғилни вояга етказган момони ҳам тақдир кўп синовлари билан “сийлаган”.

1977 йилда турмуш ўртоғи вафот этгач, фарзандларини ўстириш, уйли-жойли қилиш ёлғиз онанинг зиммасиде қолди. Туну кун далада ишлади, ситир согди, кетмон чопди. Бу эркакнинг иши, бу аёлнинг юмуши, деб ўтирма-



ди. Болалари учун ҳаммасига чидади, кўксини қалқон қилди. Энди ҳаммасини узатиб, ёлғиз ўғлини уйлантириб, уларнинг хузурини кўраман, деганда яна ҳаётнинг оғир зарбасига учради. 1994-йилда ёлғиз ўғли ва келини бирин-кетин бандалик бажо келтирди. Олти норасида момонинг кўлида қолди.

– Инсон боши урилавериб, урилавериб тошдан қаттиқ бўлиб кетар экан, – дейди Рухсор момо. – Турмуш бир текис кечмайди-да, паст-баланд бўлади. Ҳаммасини сабр-бардош билан, меҳнат билан енгаркан одамзот. Бошимга кўп ташвишлар тушди, қийинчиликлар кўрдим. Шукр, яхши одамлар, қариндош-уруғ, кўни-қўшни далада бўлди, бир оғиз ширин сўзини аямади. Уларнинг далдаси, эртанги кунга ишонч билан шу дамларга етиб келдим. Худога шукр, ўғлимдан қолган набираларимнинг

ҳаммаси ҳаётда ўз йўлини топиб кетди. Ойбекжон билан бирга тураман. Болаларинг кўп бўлсин, дейман невараларимга. Кўпчилик яхши-да. Яхши кунда ҳам, оғир кунда ҳам ёнингизда туришади. Яқинда Ойбегимга худо ўғил берди. Тилаб олдик, Муроджон деб исм қўйдим. Болага қарашда келинимга ўзим ёрдам бераман. Насиб этса, келаси йил тўй қиламиз. Шу кунларга етказганига шукр.

Ҳамроҳларимиз – Булунгур тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи ўринбосарлари Махбуба Қурбонова ҳамда Абдуқаюм Хушбақов табаррук момоларни хотин-қизлар байрами билан табриклади. Уларга эсдалик совғалари топширилди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
А. ИСРОИЛОВ, ЎЗА

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Маҳолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган кўлбзмалар тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371)
233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигиде 2009 йилнинг
11 март кунин рўйхатга олинган. Гувоҳнома
рақами 0015.

Газета материаллари тахририят
компьютер марказиде
терилди ва сақланган.

Адади 1014 нуска
Буюртма Г - 340

Газета «ШАРҚ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси басмахонасиде
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳафти 3 басма табак. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи | Намоз Толипов.

Басмахонага топшириш вақти – 20.00.